



O'ZBEKISTON OVOZI

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда турли хил ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхона электрон маълумотлар базасига қиритиш имкониятини яратиш орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб фойдаланиш, худудлар даражасидаги китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг тезкорлигини ва сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларини эгаллаш ва қўллаш асосида кўрсатиладиган турли хизматлар ҳажмини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, ахборот-кутубхона фаолияти тармоқ классификаторидаги мавжуд лавозимларни қайта кўриб чиқиш ва янгиликларни киритиш вазифалари муҳокама қилинди.

Миллий кутубхонанинг ички ва ташқи фондлардан турли хил ахборотларни тайёрлаш, қиритиш ва тезкор тақдим этиш билан боғлиқ ахборот-кутубхона хизматлари номенклатурасини кенгайтириш чоралари белгилаб олинди.

Фойдаланувчиларнинг, шунингдек, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини турли билим соҳалари бўйича ҳар хил манбалар-

дан махсус материалларни танлаб олишда методологик ёрдам кўрсатиш йўли билан қаноатлантириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича аниқ топшириқлар ва мuddатлар белгиланди, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш бўйича бирламчи чоралар Дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан режа-ҳадвали тасдиқланди.

Республика методик кенгаши ишини ташкиллаштириш ва ахборот-кутубхона муассасалари ишларини мувофиқлаштиришга оид вазифаларини белгилаш, иш режими ва режасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

Ў.А.

ЎзХДП: Ҳамкорликдаги лойиҳа



Эрхасой БОТИРОВА олган суратлар.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон туманида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан банд этиш ва оилавий тадбиркорликни кучайтиришга бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Хотин-қизлар кўмитаси, Марказий банк вилоят бўлими, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл», «Хунармад» уюшмаси вакиллари ва ўз ишини йўлга қўйиш ҳаракатидаги аёллар иштирок этди.

Партиямиз дастурий мақсадларида аёлларнинг ижтимоий муаммоларига ечим топиш, уларни доимий меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашиш масаласига катта эътибор бе-

рилган, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов. — Бу семинарни ташкил этишдан мақсад — ўз бизнес-режасига эга, кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйишга лаёқатли хотин-қизларни қўлимиздан келганча қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий-сиёсий билимларини ошириш. Бу билан ишбилармон аёллар сафини кен-

гайтириш, янги иш жойлари очиб, оила аъзоларининг бир мақсадни қўлаб, ҳамжихатликда иш ташкил этиши учун имкон яратишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, кредит олишда ҳам туман партия кенгаши орқали хал қилишга ёрдам бераёلمиз.

Тадбир давомида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, шунингдек, бошланғич сармоани шакллантириш бўйича хотин-қизлар учун махсус ўқув ташкил этилди. Унда ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш ва ундан фойдаланиш тартиблари ҳақида ҳуқуқий маслаҳат берилди.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Тошкентга бундан ўн икки йил аввал келган эдим. Шаҳарни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзгача чирой очганини кўриб, лол қолдим. Бу мафтункор заминда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.

Бу йил Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги нишонланди. Унинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, амалга оширган бунёдкорлик ишлари, Амир Темур ва теурийлар даврида барпо этилган меъморий обидалар Соҳибқироннинг буюк иқтидор ва салоҳият соҳиби эканидан далолатдир. Францияда ҳам бу буюк сиймога улкан ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади. Парижда Амир Темур ҳайкали барпо этилган. Ҳозирги кунда Амир Темур тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Парижда махсус «Теурийлар» журнали чоп этилаётгани бунинг далилидир.

Амир Темур жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк шахсдир.

Тошкентдаги Теурийлар тарихи давлат музейини томоша қилиш имконига эга бўлганимдан гоят хурсандман.

Жехан БЕРТЬЕ,
(Франция).

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Ижтимоий сиёсат жамият ҳаётининг муҳим соҳаси ва ҳар бир давлат фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодийёт тамойилларига мос пенсия таъминоти эса унинг амалий воситаларидан биридир. Бунда ижтимоий йўналтирилган иқтисодийётнинг стратегик мақсадлари ва самардорлиги ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, давлат ва фуқаролар ўртасида янги муносабатлар ўрнатиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Ў.А. муҳбири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиядуллаев билан пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистонда пенсия таъминоти — бу мамлакатимизда фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган моддий таъминотни тақдим этиш мақсадида ташкил этилаётган ҳуқуқий-ташқилий институтлар ва нормалар жамғуридир, — дейди М.Зиядуллаев. — Шу боис пенсия таъминоти мамлакатимизда шаклланган ижтимоий муҳофаза тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, меҳнатга лаё-

қатсиз аҳоли ва кам таъминланган фуқароларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташқилий хусусиятга эга комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқу-

қиға эгадир. Пенсия қончилиги мувофиқ, пенсия — шахсларга пенсия ёшига етиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ аниқланади. Пенсиядорлар ҳақида ғам-хўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш ижтимоий йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тизимида муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимиз давлат пенсия таъминоти қарилар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оила-ларни қамраб олган кенг қўламли ижтимоий тизимдир.

Президентимиз Ислоом Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътибор марказида бўлиб келаётганини таъкидлади. Масалан, ўтган йили республика-мизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ошди.

(Давоми 2-, 3-бетларда.)

Аввал хабар берганимиздек, 29 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда «Мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Жорий йилда партия ташкилотлари амалга ошириши зарур бўлган бўйича ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг маърузаси тингланди.

Пленумда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг 2011 йилдаги фаолияти юзасидан фракция раҳбари Улуғбек Вафоев ахборот берди.

Пленум кун тартибидидаги ҳар бир масала кизгин муҳокама қилинди. Биз иштирокчиларнинг пленумдан кейинги мулоҳазалари билан қизиқдик. Куйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Робия ҚАЗИМОВА, ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси:

— Шаҳар кенгашига партия-миздан 11 нафар депутат сайланган. Улар ўтган йили худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кўплаб ташаббусларни ил-лари суришти. Жумладан, депутатлик гуруҳимиз томонидан шаҳар кенгаши сессияси кун тартибига «Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури-нинг бажарилиши тўғрисида»ги масала киритилди. Шунингдек, яна қатор масалалар доимий комиссия йиғилиш-ларида кўриб чиқилди.

Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳара-рат дастури ижроси бўйича ҳам амалий ишлар олиб бо-раёلمиз. Дастурда шаҳар партия кенгаши хизмат кўр-сатиш ва сервис соҳасини янада яхшилашга, шу та-

риқа кўшимча иш ўринла-ри яратишга ҳисса қўшиш белгилаб қўйилган. Айни пайтда партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳи Бухоро шаҳрида бу бо-рада қилинётган ишларни таҳлил қилишга алоқадор туризм ва молия соҳасига ихтисос-лашган коллежлар битирувчи-лари ишга жойлаштириш, уч то-монлама шартномалар тўлиқ бажарилиши бўйича монито-ринг олиб бораёпти.

Аммо очигини айтиш керак, фаолиятимиз ҳали талаб да-ражасида эмас. Хусусан, ол-димизда турган вазифалар-ни бажаришда бошланғич пар-тия ташкилотлари имконияти-дан тўла фойдаланиш мала-каси етишмаяпти. Пленумда бу масалага жиддий қараш лозимлиги таъкидланди, зар-рур кўрсатма ва тавсиялар берилди. Фаолиятимиздаги ҳато ва камчиликларни бар-тараф этишда бу, албатта, қўл келади.

Латифжон МАНСУРОВ, Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси:

— Аҳолининг сиёсий-ҳуқу-қий саводхонлигини ошириш, ўтказилаётган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, уларда сиёсий технология-лардан кенг фойдаланиш ва депутатларнинг сайловчилар билан мунтазам учрашувини йўлга қўйиш жуда муҳим. Пле-нумда айрим туман партия кенгашлари, бошланғич таш-килотлар сиёсий ва фуқаро-лик маърифати тизимидаги ўқувларга юзаси ёндашаётга-ни, имкониятлардан етарли фойдалана олмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Чекка худуд-ларда эркин мулоқот тарзи-даги учрашувларни кўпроқ ўтказиш, уларни таҳлил ва фикр-мулоҳазага бой тарзда ташкил этиш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

2011 йил тумандаги бошлан-ғич ташкилотларда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизи-

мида 16 та тадбир ўтказилди. Яқинда «Балиқчи» қишлоғида Мустаҳкам оила йили муно-сабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирокчи-лар ёшларни мустақил ҳаёт-га тайёрлаш ва ёш оила-ларни қўллаб-қувватлаш бораси-да фикр юритишди. Муҳими, бу одамларда қизиқиш уй-ғотди.

Бироқ ишимизда камчилик-лар оз эмас. Жумладан, пар-тиямиз гоёларини кенг тар-ғиб қилиш ва ташаббус кўрса-тишда қўйи бўғин етакчила-рида фаоллик етишмаяпти. Бу эса улар билан кўпроқ иш-лаш ва изланувчан етакчилар иш тажрибасини оммалашти-риш лозимлигини кўрсатади.

Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарь ви-лоят кенгаши раиси:

— Вилоятда 34 мингдан ортиқ партия аъзоси ва 860 та бошланғич ташкилот бор. Вилоят кенгашига 21 нафар, туман ва шаҳар кенгашлари-га 187 нафар депутат партия-миздан сайланган. Бу зарур-нинг кучи, ваколати ва имко-ниятдан тўлиқ фойдаланиш-га ҳаракат қилаёلمиз. Маса-лан, ўтган йили партиямиз де-путатлик гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига қат-тор масалалар киритилди. Бир-гина, Ҳаракат дастури ижро-си бўйича 9 та туманда 12 та масала сессияда кўриб чиқил-ди. Бироқ Чирчиқ, Қамаш-да, Шаҳрисабз туман кенга-шиларидаги партия фаоллари ва депутатлар ўз вазифасига сид-қидилан ёндашмаяпти. Жо-рий йилда улар фаолиятини жонлантириш учун чора-тад-бирлар белгилаб олдик.

Пленумда айтилган тавсия ва тақлифлар бу борадаги иши-мизни жонлантириш учун хиз-мат қилади.

Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 3 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1918,67	1 АҚШ доллари	1846,65	1 Хитой юани	293,22	1 Польша злотийси	595,44	1 Евро	2460,97
1 Англия фунт стерлинги	2951,87	1 Миср фунти	305,94	1 Россия рубли	62,96	1 СДР	2860,63	10 Жанубий Корея воени	16,37
1 Дания кронаси	331,04	1 Исландия кронаси	14,61	1 Украина гривнаси	231,22	1 Туркия лираси	1038,26	10 Япония иенаси	222,35
1 БАА дирҳами	502,78	1 Канада доллари	1852,02	1 Малайзия ринггити	604,57	1 Швейцария франки	2046,15		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Сурат ва сийрат

ВАТАННИНГ СУЛУВ МАСКАНИ

Дўстларимдан бири тақдим этган бу суратни ким туширганини билмайман. Аммо шу манзарани суратга олган кишининг қалби фахрга тўлганини ҳис қиламан. Кўз қароғини тўлдирган бундай табиат мўъжизасидан энг машҳур мусаввир ҳам лол қолиши аниқ. Шу заминнинг сир-синоатларини бағрига яширган тоғлар, бошига қор кўнган чўққилар абадият ҳақида сўйлаётгандек туюлади. Яна бир таассурот: осмоннинг бир парчаси тоғ бағрига узилиб туриб, кўм-кўк кўлга айлангандай...



Бу тоғларнинг ўзи бир мўъжиза. Бу жойда 1,6 километр масофани эгаллаган Сверцов ва 1,4 километрга чўзилган Ботирбой музликлари ястаниб ётади. Тизманинг Зарафшон тоғлари билан туташиб кетган, Китоб тумани ҳудудидаги геологик қўриқхонадаги тош қатламлари Ордовик, силур ва Денос даврлари тарихини ўрганиш учун тенгиз манба. Қадимда бу жойларда сувлари мавж урган тетис денгизи бўлган. Бу — қарийб 450-500 миллион йил бурунги давр. Тоғларнинг ўсиши натижасида ҳозирги ҳолат вужудга келган.

Юртимизнинг беназир жойлари кўп. 2010 йилда «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон табиати» китоб-альбомининг Қашқадарёга бағишланган қисмида шундай қайлар учрайди: «Оқсув дарасининг ўзи бир дунё. Унинг Ҳисоракдан Филон қишлоғигача чўзилган қарийб 45 километр узунлидаги қисми ўта ноёб бўлиб, ЮНЕСКОнинг «Жаҳон табиий ва маданий мероси» дурдоналари рўйхатига киритилган. Оқсув дараси ер пўстлоғи сиртининг геологик тарихини ўрганишда жуда қўл келадиган».

Бу тоғларнинг ўзи бир мўъжиза. Бу жойда 1,6 километр масофани эгаллаган Сверцов ва 1,4 километрга чўзилган Ботирбой музликлари ястаниб ётади. Тизманинг Зарафшон тоғлари билан туташиб кетган, Китоб тумани ҳудудидаги геологик қўриқхонадаги тош қатламлари Ордовик, силур ва Денос даврлари тарихини ўрганиш учун тенгиз манба. Қадимда бу жойларда сувлари мавж урган тетис денгизи бўлган. Бу — қарийб 450-500 миллион йил бурунги давр. Тоғларнинг ўсиши натижасида ҳозирги ҳолат вужудга келган.

Суратда ўша сунъий денгиз акс этган. Унинг сувлари юқоридан куйига оқиб, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманлари далаларини сувга қондириб, Қашқадарёга қўшилиб кетади. Юртимиз мустақиллиги йилларида Оқсув нур дарёсига айланди. Сув омборидан отилиб тушаётган қудратли тўлқин Ҳисорак ГЭСи ускуналарини ҳаракатга келтириб, электр қуввати ҳосил қилмоқда.

Суратда бу маълумотлар акс этмаган. Бироқ у хотираларни уйғотади. Бу суратнинг сийрати, жозибаси шундай. Яна суратда адирлар бағрига сингиб бораётган, сунъий денгиз қирғоғидан ўтган йўл ҳам элас-элас кўзга ташланади. Бора-

боргунча дарёга ҳамроҳлик қилиб, юксак тоғлари сари кўтарилиб борадиган бу йўлларнинг ўз тарихи бор. Илгари беш-олти ой қор босиб ётадиган бу йўллардан Ҳисорак, Нондек, Филон қишлоқларига чиқиб бориш осон бўлмаган.

Мустақиллик йилларида тоғ қишлоқларини ободонлаштириш тадбирлари амалга ошди. Ҳатто Қашқадарё вилоятининг

узоқ тоғ қишлоқларини электрлаштириш ҳақида алоҳида ҳукумат қарори амалга оширилди. Оқдарё ширкати ерлари дехқон ҳўжалиқларига бўлиб берилди. Оқсувдан баҳра олаётган ерларда мўл картошка ҳосили етиштирилмоқда.

Бу сурат Ватан чиройининг, салобатининг кўриниши. Унга боқар экансиз, беихтиёр мана бу сўзлар кўнглингиздан ўтади:

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

СОЛИҚ ВЕБ-САЙТИ

ТАҚДИМОТИ

Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган янгиликлар мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламига етказиб бериш, қолаверса солиқ тўловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, солиқ қонунчилигини тарғиб қилишда Давлат солиқ кўмитаси амалга ошираётган тадбирлар унда мунтазам ёритиб борилапти.

Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасида бўлган веб-сайтнинг тақдими маросимда ҳам шу ҳақда гап борди. Унда ОАВ ходимлари, солиқ соҳасини ёритишга ихтисослашган журналистлар ва тадбиркорлар иштирок этди. Тақдимоатда интернет тармоғида барча соҳалар тўлиқ қамраб олинмаётгани, ҳар бир бошқарув органининг расмий веб-сайти очилгани, уларга жойлаштирилаётган ахборотларнинг қонуний асослари белгилаб қўйилгани таъкидланди.

— Биз ахборот асрида яшаётимиз, — деди Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Гулчехра Урдушева. — www.soliq.uz доменида фаолият юритаётган Давлат солиқ кўмитасининг веб-сайтида давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тузилиши, вазифалари, референтлари, ваколат доирасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотлар, тақдим этиладиган хизматлар рўйхати ва хизмат кўрсатиш тартиби, расмий тадбирлар жойлаштирилган. Бу эса ундан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратяпти.

Ҳақимжон ФОЗИЛОВ,
Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.

Реклама

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1	Самарқанд шаҳри Мингтут кўчасида жиноят ишлари бўйича вилоят суди биноси қурилиши (қўшимча қурилиш ишлари)	556 512 000 сўм	463 760 000 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жағмагаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи: Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси 21-уй.
Телефон: (8366) 233-74-15.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо

ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус - 2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.
Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 21-уй, Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биносида соат 10-00да** ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ПАХТАЧИ ФИЛИАЛИ
қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зиёвуддин шаҳридаги ДТХБ Пахтачи филиали биноси	803 943 761 сўм	669 953 134 сўм	10 ой

Қурилиш ишлари ДТХБ Пахтачи филиалининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи: Давлат тижорат Халқ банки Пахтачи филиали.
Манзили: Пахтачи тумани, Зиёвуддин ш., Истиклол кўчаси, 46-уй.
Телефон: (8366) 902-85-51.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни

бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташки-

долари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус - 2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.
Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00да** ўтказилади.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида шотакан каратэ-до бўйича болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада Тошкент шаҳри, виоиятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан олти юз нафардан зиёд спортчи ката ҳамда кумитэ йўналишлари бўйича голиблик учун татамига чиқди.



— Бу йил каратэчиларимиз халқаро миқёсда жуда кўплаб нуфузли турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Ҳўжақул Ҳўжақулов. — Жумладан, спортчиларимиз шу ой охирида Сочи шаҳрида бўладиган аънанавий йирик халқаро турнирда иштирок этадилар. Бу галги мамлакат чемпионати ана шу мусобақа олдидан терма жамоага янги номзодларни кўриқдан ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

— Орузми жаҳон ва Осиё чемпионатларида голиб бўлиш, — дейди чемпионат олтин медали соҳиби Суннат Тошпўлатов. — Шотакан каратэ-до бизнинг Сурхондарё вилоятида ҳам жуда оммавий спорт турларидан саналади. Бугунгача ҳам мамлакат миқёсидидаги талайгина мусобақаларда қатнашганман. Аммо биринчи ўринни эгалламагандим. Бу гал мураббийларим Барот Тошпўлатов, Бахтиёр Шариповлар билан Ўзбекистон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўрганлигимиз туфайли 10-11 ёшли иштирокчилар ўртасида бош совринни кўлга киритдим.

Уч кун давом этган баҳсларда умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар энг кўп медалларга сазовор бўлди. Наманган ва Сурхондарё вилояти каратэчилари эса фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни банд эттишти.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|---------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Muhammad MUSTAFOYEV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | MUHIDDINOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | OCHIBOY RAMATOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'afar HOTAMOV | Saidahmad |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | RAHIMOV |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотибиyot — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446 17168 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 20.30. Topshirilgan vaqti — 00.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

